Ушбу сонда:
2 ТАШАББУСКОР ГУРУҲ НОМЗОД КЎРСАТДИ
3 Ижтимоий ҳимоя ИСЛОҲОТ МЕЗОНИ-ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШДИР
4 МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ келажак авлоднинг бебаҳо мулки

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 15 октябр, жума № 144 (791)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## СПОРТ

### Бокс бўйича Осиё чемпионати Тошкентда ўтади

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида 23 октябрдан 30 октябрга қадар бокс бўйича XX Осиё чемпионати бўлади. Ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси шу воқеага бағишланди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов тўпланганлар ҳузурида сўзга чиқиб, XX Осиё чемпионатини ўтказиш истагини билдирган мамлакатлар танловида Малайзия, Таиланд каби давлатлар ва бизнинг республикамиз иштирок этганини таъкидлади. Халқаро бокс ассоциацияси XX Осиё чемпионатини ўтказиш учун Ўзбекистонни танлади. Бу эса бизнинг зиммамизга мусобақани ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Бокс бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва спорт иншоотлари раҳбарлари турнирга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида ахборот бердилар.

## НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси бўлиб ўтди. Жўқорғи Кенгес раиси Т.Камолов бошқарган мазкур сессияда мамлакатимиз Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Делегатлар мамлакатимиз Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

### БУХОРО

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Вилоят ҳокими С.Хусенов раислигида ўтган мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Депутатлар Мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, вилоят ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

### НАВОИЙ

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилов бошқарган мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

### САМАРҚАНД

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев бошқарган ушбу сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сессия қатнашчилари мамлакат Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатиш таклифини қўллаб-қувватлади. Вилоят ҳудудида жойлашган Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов округларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

(ЎзА)

## МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Ҳозирги кунда республикамизнинг бепоён пахтазорлари узра жавлон ураётган миришкорларни бир муштарак мақсад бирлаштириб турибди. У ҳам бўлса, ёғин-сочинли кунларга қолмасдан етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишдир. Айниқса Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори пахтакорлар кайфиятини янада кўтариб юборди. Чунки ушбу муҳим ҳужжат шарофати билан ҳозир жойларда теримчилар ҳақиқий моддий манфаатдорликни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» ходимлари эса қарорда белгиланганидек, йиғим-терим қатнашчиларини ҳар беш кунда нақд пул маблағи билан таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Бундан руҳланган пахтакорлар терим суръатини кундан-кунга ошириб бормоқдалар.

**Суратларда: Бўка ва Ўртачирчиқ туманларининг илғор пахтакорлари Муҳтарама Гайлиева ҳамда Нафиса Шерматовалар кунига юз килограммгача оқ олтин териб олишмоқда; Баҳористон туманидаги Амир Темур ширкат хўжалиги механизатори Мискиной Қурбонова.**

**Ҳ.АВВАЛОВ ва Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.**

## СТАНДАРТЛАР МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА

«Ўздавстандарт»да халқаро стандартлаш кунига бағишланган семинар бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, илмий ва жамоат ташкилотлари, тижорат тузилмалари, «Ўздавстандарт»нинг минтақавий марказлари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда бундан олти йил муқаддам Халқаро стандартлаш ташкилотига аъзо бўлган Ўзбекистонда халқ хўжалигининг турли тармоқларига жаҳон стандартларини изчиллик билан жорий этилаётгани қайд этилди. Асосий давлат андозаларининг барча талаблари халқаро ва давлатлараро стандартларга мувофиқлаштирилган. Халқаро стандартлар ҳозирги вақтда иқтисодиётни янада ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIУ сессиясида мамлакатимизда маҳсулотлар ва хизматларни жаҳон стандартлари доирасига олиб чиқиш зарурлиги, бу давлатимизнинг жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши борасидаги асосий шарт экани ҳақида гапириб, миллий андозаларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамиятини таъкидлаган эди.

Семинарда стандартлаш, метрология ва маҳсулотларни сертификациялашнинг долзарб муаммоларига доир маърузалар тингланди, жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари кўргазмаси ташкил этилди.

## ФЕРМЕРГА ЁРДАМ

Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежи негизида очилган янги марказ Фарғона водийси фермерларини фермер хўжалиги ишини қандай қилиб тўғри, энг муҳими эса иқтисодий жиҳатдан фойда келтирадиган тарзда ташкил этишга, олинган фойдани оқилона тасарруф қилишга ва бошқа кўп нарсаларга ўргатади. Фермерларни ўқитиш ва уларни ахборот билан таъминлаш маркази ТАСИС дастури доирасида ташкил этилди. Хорижий ҳамкорлар марказни ташкил этишга замонавий жиҳозлар - видеотехника, компьютерлар ҳамда услубият адабиётлари билан ҳисса қўшдилар.

Тўрақўрғон коллежининг асосий иш билан бир қаторда марказда фермерларни ўқитиш билан банд бўладиган ўқитувчилари тегишли тайёргарликдан ўтдилар. Ўз ишини йўлга қўйган фермерлар билан биргаликда бу ерда коллеж талабалари ҳам таълим оладилар, бу коллеж қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайди. Марказда олинган билимлар талабаларнинг келгуси ишларида наф келтириши шубҳасиз.

## «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИМКОНИЯТИ КАТТА»

**Тошкентда экспорт махсулотларни жаҳон бозорига олиб чикишга кўмаклашиш масалаларига бағишланган халкаро конференция иш бошлади.**

Анжуманни «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро савдо маркази, АҚШнинг савдо ва тараққиёт агентлиги, Сармояларни ҳар томонлама кафолатлаш бўйича агентлик, Халқаро менежментни ривожлантириш маркази каби халқаро ташкилотлар ҳамда экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Илгари Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти фақат хомашё билан белгиланар эди. Истиқлолдан кейин Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти интеграциялашувига қаратилган. Шу мақсадда мамлакатимизда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бир вақтлар хомашё базаси сифатида танилган Ўзбекистон бугунга келиб, хорижга енгил саноат, автомобилсозлик, самолётсозлик ва халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни чиқара бошлади. Ўтган саккиз йил давомида мамлакатимизда 400 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши ҳам бунинг исботидир.

Эндиги масала хорижга чиқаётган маҳсулотнинг ҳажми ва турини кўпайтириш, жаҳон бозорига етказишнинг самарали йўлларини топиш, маркетингни кенгроқ ўрганишдан иборат. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад халқаро технология, товарлар ва хизматлар бозорига чиқишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро тажрибалар, шунингдек, кутилмаган ҳодисалардан суғурталаш масалалари билан таништириш ҳамда ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдир.

Анжуманнинг биринчи кунида Ўзбекистонда ташқи савдони эркинлаштириш йўлида қўлга киритилган ютуқлар, маҳсулот савдоси ва ишбилармонларга қулай шароит яратишнинг халқаро механизмлари, халқаро савдо баҳсларини ҳал этиш, Ўзбекистонда маҳсулотларни андозалаш ва сертификатлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Анжуманда маърузачилар экспорт маҳсулотларининг маркетинги, кичик ва ўрта бизнес вакиллари маҳсулотини экспорт қилишда давлат стратегияси масалалари, Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишда сайёҳликнинг ўрни каби қатор мавзуларга ҳам эътибор қаратди.

ЎзА мухбирлари экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқишга кўмаклашиш масалаларига бағишланган халқаро конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

**АКИ ЛИНДЕН, Жаҳон Савдо Ташкилоти вакили:**

- Ўзбекистон иқтисодиётининг имкониятлари катта. Буни жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот турларининг аксарияти Ўзбекистонда мавжудлигидан билса бўлади. Шу боис ҳам, бугунги кунда мазкур мамлакатга қизиқиш тобора ортиб бораётганининг жаҳон савдо-иқтисодий тизимидаги фаолиятини янада жадаллаштиради, деб ўйлайман. Айтиш керакки, Ўзбекистон билан жаҳоннинг бошқа мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар талайгина. Жумладан, бугунги тадбирнинг ташкил этилиши ҳам айнан шунга хизмат қилади.

**ОЙБЕК ХАЛИЛОВ, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари:**

- Мазкур анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистонни эски шўро давридаги каби хомашё бозори эмас, аксинча, тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчи мамлакат сифатида танитишдир. Бунинг учун мамлакатимизда етарлича шарт-шароит муҳайё. Анжуманнинг яна бир мақсади шундан иборатки, четга товар экспорт қилаётган маҳаллий корхона ва компанияларга маркетинг тадқиқотларини ўтказишда кўмаклашиш, улар ишлаб чиқарган товарларнинг ташилиши ва савдосини кафолатлаш каби ишларни янада яхшилашдир. Таъкидлаш жоизки, анжуманда қирқдан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этаётир. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро савдо маркази, Жаҳон Банки каби нуфузли халқаро ташкилотлардан келган мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари олдга қўйилган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Биз эса ўз навбатида уларни Ўзбекистон иқтисодиётининг имкониятлари билан янада яқинроқ таништирамиз.

**Саидмурод РАҲИМОВ, Аброр ҚИЛИЧЕВ, ЎзА мухбирлари.**

## Сурхон бойлиги

*Қимматбаҳо саноат хомашёси - ингичка толали пахта етиштиришда Сурхон воҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Шу кунгача бу ерда 20 минг тоннага яқин «Термиз-31» навли ингичка толали пахта тайёрланиб, қайта ишлаш корхоналарига жўнатилди. Янги ҳосилдан олинган аъло нав толанинг дастлабки туркуми мамлакатимиз енгил саноати тармоқларига ва чет давлатларга етказиб берила бошлади.*

## Муаммо кўндаланг қўйилади

## ОМБОРЛАРДА ТЎПЛАНГАН МОЛЛАР...

**Заргарлик ва зардўзлик буюмлари Бухорои Шариф шухратига-шухрат кўшиб келаётган нодир дурдоналардан саналади. Дунё ахли томонидан эътироф этиб келинаётган зардўзи халатлар-у дўппилар, дарпардалар-у тўнлар, саҳна пардалари-ю турли кийим-кечакларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Зардўз меҳнатининг бунчалар кадр топишини эса фақат истиқлол берган неъмат деб изоҳлаш мумкин.**

Аммо, кейинги пайтда 400 нафарга яқин шундай касб эгаларини бирлаштирган Бухоро шаҳридаги «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятида аҳвол яхшиланиш ўрнига тескари томонга ўзгаришини қандай тушунмоқ керак? Етакчи раҳбар ва мутахассисларнинг кетма-кет алмашуви эса ҳозирча бирон-бир «пичоққа илингулик» самара берганича йўқ.

Саккиз ойлик иш якунларига назар ташлаган киши бу ерда аҳвол ниҳоятда ташвишли эканлигига ишонч ҳосил қилади. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Корхона шу даврда ҳаммаси бўлиб 25,9 миллион сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бу бултурги кўрсаткичга нисбатан қарийб 600 минг сўмга камдир. Жамоада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам ўсиш таъминланмади. Яъни, 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб берилмади.

Ўтган қисқа вақт мобайнида юз нафардан ортиқ киши корхонани тарк этди. Маош ўз вақтида берилмагач нима қилишсин ахир! Ҳозирги кунга келиб иш ҳақи тўловларидан қарздорлик уч миллион сўмга етай деб қолди.

Бозор талабларини ўрганмай бир томонлама иш юритиш корхонага ниҳоятда қимматга тушди. Ҳозирги кунда омборларда тўпланиб қолган тайёр моллар салмоғи 15 миллион сўмликдан ошиб кетганига нима дейсиз. Бундай ҳолат дебитор ва кредитор қарзларнинг тўхтовсиз ошиб боришига йўл очиб бермаётганмикан?

Амалиёт эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмаслигини исбот этаётир. Хуллас, қотиб қолган эски андозалардан воз кечиш, ишлаб чиқаришни янги ўзанга буриб юбориш, бошқарув тизимидан тортиб, хўжалик юритиш механизмигача тубдан ўзгартишлар киритишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бизнингча, корхона ички бозор эҳтиёжини қондирмаётган маҳсулот ишлаб чиқаришга чек қўймас экан, аҳволнинг ўнгланишига умид боғлаб бўлмайди. Балки унутилган ипак каштачилигини қайта жонлантирган маъқулроқдир. Бунда менежмент ва технологларнинг кенг кўламда фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳам умумий ишга наф келтиришини ёдда тутмоқлик лозим. Бизнингча, буюртмалар қабул қилиш цехининг фаолиятини янада ва ҳар томонлама жонлантириш ҳам ишда бурилиш ясашга хизмат қилиши мумкин. Муяссар опа Темировани айнан шу цех элга танитди-ку! У бошқа ишга ўтгач, нега цехнинг олдинги мавқеи сақлаб қолинишига эришилмади? Цех бошлиғи Муаззам опа Ражабовани ҳам тушунса бўлади. У кишининг таъкидлашича, қизлари манаман деган буюртмани тайёрлашга қодир. Фақат... Ҳозирча халатлар, зеб билан тикилган дўппилар, болалар учун мўлжалланган тўн ва дўппилар, келинлар либоси ўз эгаларини кутаётир. Республика «Ҳунарманд» уюшмаси таркибига қўшилиш истаги ҳам йўқ эмас. Шундай қилинса, корхона қанчадан-қанча қўшимча тўловлардан озод бўлиши, пировардида таннарх арзонлашиб, маҳсулотнинг харидоргирлиги ошган бўлур эди.

Бизнингча, шаҳарнинг бир неча жойида, туман марказларида «Зардўз» тамғаси остида чиқарилаётган тайёр моллар ярмаркасини ташкил этиш, жамиятга қарашли дўконлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда шу ҳунарга ихлосманд кўплаб қиз-жувонларга уйда ишлашлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиш хусусида жиддий ўйлаб кўрилса,ёмон бўлмасди.

Яқинда бу ерда яна раҳбар ўзгарди. Жамият раислигига ташкилотчи ва тадбиркор Жаҳонгир Каримов тайинланди. Шундай қилиб, аҳволнинг ўнгланишига умид пайдо бўлди. Лекин унинг рўёбга чиқишини энг одил ҳакам - вақт кўрсатади!

**Усмон НАВРЎЗ, Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» мухбирлари.**

## БОТКЕН: ХАВФ БАРТАРАФ ЭТИЛДИМИ?

Жанубий Қирғизистондан олинган сўнгги хабарларга қараганда, террорчи гуруҳларнинг асосий қисми Телба довони орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудидан чиқиб, Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманига ўтиб кетган. Аммо 100 га яқин босқинчи икки мамлакат чегарасидаги Телба ва Қорагўшхона довонларини ва унга туташ ҳудудларни назорат қилиб турибди. Тўрт япон геологи ва қирғиз генерали А.Шамкеев ҳамон гаровда ушлаб турилибди. Маълум бўлишича, гаровдагилар 5 октябргача Шудман яйловида бўлган, сўнгра жангариларнинг асосий қисми билан Тожикистон ҳудудига олиб кетилган. Ҳозирги пайтда улар Жирғатол туманидаги қишлоқлардан бирида сақлаб турилибди.

Террорчилар ва уларнинг ҳомийлари гаровга олинганларни қайтаришни пайсалга солиб, икки мақсадни кўзламоқдалар. Биринчидан, матбуот диққатини кўпроқ жалб этиш ва ўзларини кучли қилиб кўрсатиш, иккинчидан эса, мўмайгина маблағ ишлаб олиш. Аммо халқаро терроризмнинг энг кўп тарқалган бу усули жаҳон жамоатчилигининг қаҳр-ғазабини оширмоқда, холос.

Қирғизистоннинг ҳукумат қўшинлари Жили-су ва Янгидовон дарёлари қўшилган жойда ва Шудман яйлови ҳудудида ўрнашиб, озод қилинган жойларда «тозалаш» ва миналарни зарарсизлантириш билан шуғулланмоқдалар. Айни пайтда, босқинчиларнинг сўнгги тўдаларини мамлакат ҳудудидан суриб чиқариш чоралари кўрилмоқда, дейилади Қирғизистон ҳукумати матбуот хабарномасида.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади. Босқинчилар мамлакатдан «суриб чиқарилса», тажовуз қайта такрорланмайдими? Қирғиз деҳқонларининг тинч ҳаёти яна бузилмайдими? Чегаралар мустаҳкамми? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев яқинда бўлиб ўтган мамлакат Парламенти сессиясида хавф сақланиб қолаётганлигини, Тожикистон билан чегарада жангарилар яна куч тўплаётганлигини эътироф этди.

Халқаро муносабатларда оддий бир қоида бор: суверен давлат чегарасини бузиб, мамлакатга қурол кўтариб кирган ҳар қандай гуруҳ тажовузкор куч ҳисобланади ва у билан муросасиз кураш олиб борилади. Аммо Қирғизистон қуролли кучлари раҳбарларининг «ғалаба» ҳақидаги саноқсиз рапортларига қарамасдан босқинчилар жиддий талафот кўрмай, хотиржамлик билан чиқиб кетмоқдалар. Зардоли ва Хўжа-Очкан қишлоқлари ҳам улар чиқиб кетгандан кейин олинганлиги маълум бўлди. Ҳукуматнинг бир неча минг кишилик армияси бир тўда жангарини ўраб ололмайдими? Ҳукумат қўшинларининг самолёт ва вертолётлари уларни нега таъқиб қилмайди? Бундай «дўстона» хайр-маъзурдан кейин босқинчилар яна қайтиб келмайди, деб ким кафолат бера олади?

Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар фақатгина бу қўшни мамлакатга дахлдор эмас. Чунки, террорчиларнинг мақсади Марказий Осиё республикаларидаги барқарорликни издан чиқариш, Тожикистондаги каби фуқаролар урушини қўзғаб, ўрта аср тартибларига асосланган тузум ўрнатишга интилишдир. Бунда улар ўз мақсадларини сохта диний шиорлар билан хаспўшламоқдалар. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Жангариларнинг Қирғизистон жанубидаги бузғунчилик ва қонхўрликлари уларнинг кимлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ (ЎзА)**

## *Ижтимоий ҳимоя*

**Бозор шароити касаба уюшмалари олдига ҳам ўта масъулиятли талаблар қўйди. Инсон омилига эътиборни кучайтириш, меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлишдек шарафли ишни муваффақиятли уддасидан чиқиш учун омилкорлик, ташаббускорлик зарур. Буни яхши англаган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти касаба уюшма қўмитаси раҳбарияти аниқ тадбирларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ўқув услубий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда соғломлаштириш ишларини муайян даражада жонлантиришга эришилди. Шу аснода иқтидорли кадрлар тайёрлаш борасида дастлабки ҳайрли қадамлар қўйилмоқда.**

# ИСЛОҲОТ МЕЗОНИ - ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШДИР

Равшанки, давр кичик корхоналарни барпо этиш, замонавий технологияларни дадил жорий қилиш, аҳоли талабини инобатга олган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу олий таълим тизими ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Илм масканида талабаларнинг чуқур билим олишлари учун шароит мавжуд. Кутубхона, ўқув заллари мунтазам ишлаб турибди. Замонавий ҳисоблаш машиналаридан 84 таси ишлаётганлиги мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот ишлари, диплом ҳамда курс лойиҳалари график қурилмаларда бажарилаётганлиги эътиборга молик. Амалга оширилган тадбирлар шарофати туфайли мазкур институт Давлат аккредитация ва аттестация комиссияси синовидан муваффақиятли ўтди. Бироқ, ҳали ишда камчилик, ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган касаба уюшма ҳисобот-сайлов конференциясида алоҳида гап борди.

Кафедраларнинг илмий, хўжалик шартномалари бўйича 1998-1999 йилларда Давлат фан ва техника Қўмитаси топшириғига биноан бюджетдан молиялаштирилган 17 та мавзу, 2 та грант ва 22 та хўжалик шартномаси бўйича кенг кўламли иш бажарилди. «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмалари, кимё саноати корхоналари, бир қатор илмий-текшириш институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Хориж билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда 3 та халқаро конференция, 8 та халқаро семинар ўтказилди. Германиянинг «Гейделберг» компанияси мадади билан замонавий ўқув марказининг очилиши ўқув-тарбия ишларини жонлантиришда муҳим омил бўлди. Мазкур илм масканига Япония, Германия, Белгия, Греция ва бошқа мамлакатлардан делегациялар ташриф буюришди. Ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлиги институтни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг тажриба алмашишларини йўлга қўйиш имконини берди.

Ислоҳот мезони одамлар, хусусан, талабалар ҳаётидаги ўзгаришдир. Бунга эришиш учун ёшлар саломатлиги ҳақида қайғуриш керак. Муҳим иш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Масалан, профилактория қайта таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йил давомида 600 нафар талаба, 50 нафардан ортиқ ходим ўз соғлиғини тиклади. Тиббиёт пункти йигит ва қизлар, профессор-ўқитувчиларнинг саломатликларини доимий назорат этиб боради. Зарарли иш шароитларида фаолият юритаётганлар лозим бўлганида касаба уюшма йўлланмаси билан шифо масканларига юборилади. Кўпчилик ёзги таътилни Бўстонлиқ туманидаги «Роҳат» спорт-соғломлаштириш масканида ўтказишни одат қилган. Шу боис институт раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси ушбу оромгоҳни таъмирлаш учун катта маблағ сарфлади. Бу спорт-соғломлаштириш масканининг тўрт мавсум ишлашига имкон яратди.

Таъкидлаш жоиз, оромгоҳга бериладиган йўлланма нархининг 70 фоизи институт ҳисобидан тўланмоқда. Демак, ана шу имтиёздан сўнг ўқитувчи, ходимлар ўн кунлик йўлланмага 1700 сўм, талабалар эса 1000 сўм тўлайдилар, холос. Ижтимоий ҳимоя касаба уюшма фаолиятида алоҳида ўрин тутади. «Соғлом авлод учун» жамғармаси орқали 160 минг сўмлик дори-дармон олиниб, талаба ва ўқитувчиларга тарқатилди.

Равшанки, ҳозирги кунда уй-жой масаласи асосий муаммолардан биридир. Шу боис, институтда ҳайрли ишга қўл урилди. Талабалар уйининг юқори қаватлари оилалиларга, аспирантларга, шароити оғир ходимларга беришга қарор қилинди. Ҳозирда мазкур талабалар уйида 33 оила яшаб келмоқда. Касаба уюшма қўмитаси интизомни мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Тўрт ходим ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун ишдан бўшатилди. Бош энергетик, бош механик, автотранспорт бўлими фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилган.

- Сўнгги йилларда бозор муаммоларини ҳамжиҳатликда ҳал этиш, талабалар, профессор-ўқитувчилар таклиф-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда тадбирларимизга ўзгартиришлар киритганимиз кутилган натижани бераяпти, - дейди институт ректори Ҳалима Алимова. - Бирон-бир моддий ёрдам сўраб ёзилган ариза инобатсиз қолдирилмади. Асосий ҳомий - «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси институтнинг юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги ишларини тақдирлаб, 3 минг дона акция ажратди. Олийгоҳимиз тасарруфида болалар боғчаси мавжуд. Уни тўла таъмирладик. Бунинг учун 2,5 миллион сўм сарфланди. Умуман инсон омили бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

**Д.АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Қибрай-Тошкент вилоятидаги аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири. Шу боис бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя масалаларида муаммолар бор. Шунга қарамай туман ҳокимлиги ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда муҳим ишнинг уддасидан чиқмоқда.**

# БИРОР КИШИНИНГ КЎНГЛИ ЎКСИМАЙДИ

Ҳозирги кунда бу ерда жами 300 та оилага мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу борада «Лимончилик», Р.Мусамухамедов номли, «Байтқўрғон», «Турон» жамоа хўжаликларида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда ўтган йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож кишиларга 470 минг сўм маблағ, 35 оилага эса уй-жой қуриш учун ер ажратди. Ш.Рашидов номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси боқувчисини йўқотган оилаларга 252 минг сўм, касаба уюшма қўмитаси 46 минг сўм мадад пули ажратди.

Кишилар ўртасида меҳр-оқибат янада мустаҳкамланмоқда. Фуқаро Бахтиёр Нажмиддинов оиласи ёнғиндан зарар кўрганида ҳамқишлоқлар ёрдамга отланишди. Жабрдийдаларга 100 минг сўм берилди, ҳашар уюштирилиб, мушкуллари осон этилди. Шунингдек, Рўзимат Нозиров, Садриддин Тўхтаназаров кабилар ҳам қийин аҳволга тушганларида ёлғизланиб қолмадилар. Эътиборлиси шуки, туман бўйича муҳтож оилаларга сўнгги ойларда 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатилди.

Туроб Нормуҳамедов номли ширкат хўжалигида инсон омилига алоҳида эътибор берилади. Амалга оширилаётган таъсирчан тадбирлар бозор муаммоларини енгиб ўтишда муҳим омил бўлаяпти. Хўжалик ҳудуди тўла газлаштирилган. Ичимлик сувидан қийинчилик йўқ. Яқинда «Чинор» чойхонасида бўлиб ўтган тантанада 22 меҳнат фахрийси юксак даражада эъзозланди.

- Хўжалигимиз мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган,- дейди бошқарув раиси Обиджон Султонов. - Иш оилавий пудрат асосида ташкил этилган. Бу усулда меҳнат қилган киши маҳсулот сифати ва харидоргирлигига алоҳида эътибор беради. Даромад ҳам чакки эмас. 200 нафарга яқин пудратчилар йилига ўртача 200-300 минг сўмдан даромад қилишмоқда. Баъзиларнинг соф фойдаси бир миллион сўмдан ошаяпти. Мўмай даромад ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда. Одамлар уйлар қуришаяпти, тўйлар қилишаяпти. Қишлоқларимиз кун сайин чирой очмоқда.

Хўжаликда 10 мингга яқин киши истиқомат қилади. Ортиқча ишчи кучларидан қандай фойдаланаяпти, деган савол бўлиши табиий. Аста секин қайта ишлаш саноатига қўл урилмоқда. Масалан, биргина тикув цехининг ўзида 20 га яқин хотин-қизлар иш бошладилар. Шлакаблок, дурадгорлик цехлари, қатор кичик корхоналар, маиший хизмат уйи, сартарошхоналар, автосервисда кўплаб иқтидорли йигит ва қизлар кўтаринки руҳда меҳнат қилишмоқда.

Хўжалик бошқаруви, касаба уюшма қўмитаси тарғибот-ташвиқот ишларига эътиборни кучайтиришган. Пенсионерлар, кам таъминланган оилаларга хўжалик ҳисобидан газета ва журналларга обуна қилинмоқда. Таъкидлашларича, 2000 йил учун «Ишонч» газетасига бу ерда 50 киши обуна бўлмоқчи.

Туманда маънавият ишлари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили ана шу муҳим ишлар учун катта маблағ сарфланди. Футбол секциясининг ташкил этилиши ёшларни айниқса қувонтирди. Айни пайтда тумандаги «Роҳат» футбол жамоаси республика биринчи лигасида тўп сурмоқда. «Қизил-Шалола» спорт мажмуи, Марказда эса «Шахмат» клуби ҳашар йўли билан ишга туширилди. Айни кунларда Дўрмон, «Маданият» жамоа хўжаликларида янги ўйингоҳ қурилиши изчил давом эттирилмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



# ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ

Самарқанд шаҳрида «Самарқанд Нетинэл Ко» корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо аҳил жамоа аллақачон Ўзбекистон бозорида ўзининг муносиб ўрнини топди. Бу ерда тайёрланаётган сифатли ва хуштаъм макаронларни аҳоли бажонидил харид қилмоқда. Муҳими, корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

- Корхонамиз жаҳон андозаларига мос келадиган чет эл ускуналари билан жиҳозланган, - дейди унинг бош директори жаноб Абдул Рахмон Райян. - Италиядан келтирилган бу технология ёрдамида ҳар куни 9-10 тонна маҳсулот тайёрлаб эл дастурхонига етказиб бераяпмиз.

Шу айтиш керакки, ишни оқилона уюштириш меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Натижада ходимлар ойига ўртача 9000-10000 сўм маош олмоқдалар. Улар учун бепул овқат, ишга бориб келиш учун транспорт воситаси ажратилган.

**Суратда: Корхона ишчиси Давлат Мўминов, цех бошлиғи Жамол Воҳидов ва корхона бош директори Абдул Рахмон Раян маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## *Бир фармон шарофати*

# ТОМОРҚАДАН БОЙ БЎЛИШДИ

**Деҳқон бозори. Кеч куз. Хазонгарчилик билиниб қолган. Қовун-тарвузлар ҳам анча сийрак. Полиз маҳсулотларини айланарканмиз, янги узилганлиги билиниб турган бодринг олдида одамлар гавжумлигини кўрдик.**

- Ажабо, кузги бодринг чиройли битганлигини қаранг, - ҳамкасб шеригим имо қилди.

Ростдан ҳам маҳсулот баҳоргисидан қолишмасди. Кўмкўк, бирон жойида доғ йўқ.

- Мен танийман бу одамни, - ёнгинамиздаги оқсоқол изоҳ берди. - Чортоқлик. Картошканинг эртагисини ҳам етиштирган. Сабзи-пиёзни ҳам қойиллатган. Кечадан бери эса бодринг сотаяпти.

Оқсоқолнинг деҳқонни «чортоқлик» деган сўзи хотирамга келтирди. Энди эсладим. Ахир бу... «Чортоқ» жамоа хўжалигининг аъзоси Собитхон Ҳамидов-ку! У билан учрашувимиз, суҳбатимиз хаёлимда жонланди...

Хўжаликка йўлим тушганида бошқарув раиси Турдиали Жумабоев билан мулоқотимиз чоғида қишлоқ меҳнаткашларига яратилаётган қулайликлар, жумладан Президентимиз Фармонига кўра томорқанинг кенгайтирилганлиги ҳақида гап чиқди-ю, суҳбатдошим кутилмаганда:

- Юринг, сизга томорқадан фойдаланиш қанақа бўлишлигини кўрсатаман,- деб қолди.

Дарвозасининг олдидаги ўрик сарғайиб пишган хонадонга кириб борганимизда пешонасига сарғимтил қийиқ боғлаган ва қўлига ўроқ ушлаб олган йигит чиқиб келди.

- Ғўзага сувни тарадим-у, бу ёққа қараб югурдим, - раиснинг саволомуз қарашига жавобан деди йигит. - Макка етилиб қолган. Дарров ўриб ўрнига картошка экиб қўймасам вақт ўтади.

- Яна қайси тур экинлардан деҳқончилик қилаяпсиз? - қизиқдим мен.

- Саккиз сўтих ердаги ёзги картошкам етилиб қолди. Бугун-эрта бозорга чиқараман. Саримсоқ, оддий ёзги ош пиёз, баъзи сабзавот экинлари бор. Икки йилдан бери кузги бодринг экишни ҳам машқ қилиб кўряпман.

Қишлоқ хонадони шунақа. Бир пиёла чой ичирмаганча дарвозадан чиқармайди. Кўз очиб юмгунча меваси олтиндай товланган ўрик остига қўйилган сўри устига кўрпалар солиниб дастурхон ёзилди. Тепасида ёғи сарғайиб турган жигарсимон қатиқ келтирилди. Иссиқхонада кўчати етиштирилиб барвақт ҳосилга киритилган помидор, булғор қалампири, барра кўк пиёз, турли мевалар дастурхондан жой олди.

- Қаранг, нима йўқ? «Йўқ» нарсанинг ўзи йўқ, - кулди ўз саволига ўзи жавоб қайтараркан раис, - Қаймоқдан асалгача, қатиқдан то тортиб пиёзли патиргача бор.

Раис ҳақ эди. Хонадондаги мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг шу ернинг ўзида етиштирилади. Оила соҳибининг айтишича, бултур томорқадан бозорга чиқариб сотилган маҳсулотлардан юз минг сўм даромад қилинибди.

Бу ерда томорқасини чинакамига очил дастурхонга айлантирган деҳқонлар кўп экан. Масалан, Боқижон Мажидов, Аҳмаджон Хожиалиев, Тўлқин Мадрахимов, Жакбарали Маматвалиев, Юсуфжон Ҳамидовлар ҳам ўз томорқаларини ҳақиқий даромад манбаига айлантирганлар.

-«Ер тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги томорқа участкаларини 35 сўтихгача кенгайтириш имконини берди, - деди гап орасида раис. - Туман ҳокимлиги ташаббуси билан Чортоқ насос станцияси ишга туширилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бундан хўжалигимиз экинзорларининг сув таъминоти яхшиланибгина қолмасдан, деҳқонларимиз томорқа ерлари ҳосилдорлиги оширилиши учун катта қулайликлар вужудга келди.

Ҳа, Чортоқ туманидаги Қорачўққи адирликларида жойлашган «Чортоқ» жамоа хўжалиги маъмурияти дашт ерларни боғларга, сабзавот майдонларига, пахтазор далаларга айлантирибгина қолмасдан, ўз аъзолари турмуш фаровонлигини ошириш чораларини ҳам кўрмоқда.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# НАФАҚА ПУЛИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

## *Луқма*

«Тошлоқ» - Жиззах шаҳридаги йирик маҳаллалардан бири. Бу ерда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида гузар қурилиб ишга туширилганига ҳам бир йилдан ошди. Биз ана шу гузарда бўлиб, унинг бугунги аҳволи билан танишдик. Сиртдан қараганда бинойидек, киши ҳавас қилса арзигулик. Аммо савлат тўкиб турган хизмат кўрсатиш бинолари тақатақ берк. Маҳалла қўмитаси раиси хонасида қўмита аъзоси Ҳайдар Турсунқуловни учратдик. Маълум бўлишича, маҳалладан кунига 70-80 киши пахта йиғим-теримида иштирок этишаяпти. Сўз орасида маҳаллада истиқомат қилувчи Хайри Оқилова, Хумор Қўшоқова, Умида Саидмирзаева, Мотя Глушенкова сингари нафақа олувчи фуқаролар 30-сентябргача август, сентябр ойлари учун нафақа пулларини ололмай, сарсон бўлишаётганини гапириб беришди.

Хўш, бу каби муаммолар «Тошлоқ» маҳалласида қачон ҳал этилади, одамлар мушкули қачон осон бўлади? Бунга мутасаддилар нима дейишаркин?

**А. АБДУМАННОПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Антарио

# OLAMDA NIMA GAP

**ПЕКИН. Хитойнинг Цзилин вилоятида «Фалуньгун» диний ташкилотининг олти нафар аъзоси қамоққа олинди. Улар жамоат тартибини бузганликда ва ноқонуний молиявий операциялар ўтказганликда айбланмоқда. Маълум бўлишича, уларнинг икки нафари маҳаллий ҳокимиятга қарши уюштирилган намойишларга ташкилотчилик қилган. Қолганлари диний секта тўғрисидаги ташвиқот китобларини ноқонуний равишда чоп этган.**

* * *

**КОҲИРА.** *Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари Ливаннинг жанубий ҳудудларига ҳужум қилишда давом этмоқда. Ўтган куни самолётлар Зибкин ва ал-Ботом қишлоқларини ўққа тутди. Қурбонлар ва вайроналар тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ.*

*Хабарларга кўра, ўша куни «Ҳизбуллоҳ» ва «Амал» ташкилотларининг жангарилари ҳам Исроил ҳарбийларига қарши бир неча бор ҳужум уюштирган.*

* * *

**БЕЛГРАД. Сайёрамизнинг рамзий олти миллиардинчи чақалоғи Сараеводa туғилди. Гўдакнинг номи Аднан Невич бўлиб, уни Фотима исмли аёл дунёга келтирди. «Юбилей гўдак»нинг ота-онаси бошқалар қатори урушдан анча жабр кўрган ва Босния пойтахтига кўчиб келган эди.**

**Ушбу воқеа муносабати билан Сараеводаги туғруқхонага БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташриф буюрди. Кичкинтойнинг туғилиши барчамизга сабр-тоқат бағишлаши ва ўзаро меҳр-оқибат тимсоли бўлиб қолишини истардим, деди Бош котиб. Кофи Аннан янги туғилган чақалоқ онасига БМТнинг тинчлик медалини тақдим этди. Туғруқхонага эса 50 минг АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули берилди.**

* * *

**БЕРЛИН.** *Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе Германияга ташриф буюрди. У президент Йоҳаннес Рау, федерал канцлер Герҳард Шрёдер, Бундестаг (парламент) раиси Волфганг Тирзе билан учрашади. Учрашувларда Грузия билан Германия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда долзарб халқаро муаммолар, жумладан, Кавказдаги вазият хусусида гап бориши кутилмоқда.*

* * *

**ГАВАНА. Доминикан Республикасида оммавий равишда иш ташлаш бошланди. Хабарларга кўра, норозилик намойишлари мамлакатнинг бир неча шаҳарларида транспорт қатновини издан чиқарган. Университет ва мактабларда машғулотлар тўхтатилган, дўконлар ёпилган.**

**Намойишчилар ҳукуматга ёқилғи нархини ошириш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳамда миллий пул бирлиги - песони АҚШ долларига нисбатан девальвация қилиш талабини қўймоқда.**

* * *

**МЕХИКО.** *Венесуэла Конституциявий ассамблеяси янги асосий қонун лойиҳасининг сўнгги муҳокамасига киришди. Мамлакатнинг янги конституцияси 300 дан зиёд моддадан таркиб топган бўлиб, депутатларнинг 80 фоизи томонидан тасдиқланган. У ноябр ойи охирларида умумхалқ муҳокамасига қўйилади.*

* * *

**С У Х У М И. Абхазияда БМТ ҳарбий кузатувчиларини гаровга олган террорчилар улар учун икки юз минг АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб қилмоқда.**

**Сўнгги маълумотларга қараганда, террорчилар жами беш кишини гаровга олган. Бундан ташқари, жангарилар кузатувчиларни гаровга олиш жараёнида улар учиб келган вертолётни ҳам ўққа тутган. Лекин икки учувчи вертолётни воқеа содир бўлган жойдан олиб кетишга улгурган. Учувчиларнинг айтишича, террорчилар юзларини ниқоб билан беркитиб олган экан.**

* * *

**Б А Р Н А У Л.** *Заринск шаҳридаги тўққиз қаватли биноларнинг бирида портловчи қурилма топилди. Маълумотларга қараганда, уни бинони назорат қилиб юрган чилангарлар кўриб қолган.*

*Текширув ишлари олиб борилмоқда.*

**(ЎзА)**

# УРУҒЛИК ПАХТА ТАЙЁР

Жиззах вилояти пахтакорлари бу йилги мавсумда ҳар қачонгидан ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Кунига йиллик режага нисбатан 3,5 фоиздан кўпроқ пахта тайёрланаётир. Мавсум бошидан буён уйилган хирмон 150 минг тоннадан ошди. Айни пайтда қабул пунктларига 17 минг тоннадан зиёд уруғлик пахта топширилиб, бу борадаги режа бажарилди.

# ПАСТДАРҒОМЛИКЛАР ЗАФАРИ

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани миришкорлари маррага етди. Улар қабул пунктларига 21 минг 805 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб ялпи хирмонни 25 минг тоннага етказишга бел боғлади.

